

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК директори А.Боқиев оркали ва бундан буён Бажарувчи деб аталувчи «YO'L LOYIHA BYUROS'I» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали номидан ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиғи О.Тоғаев оркали қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК-172-сонли “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Денов тумани “Охтом” МФЙ Гулистон кўчаларини жорий таъмирлаш L-2,216 км, (Бетон коплама ётқизиш) ишчи лойиҳасини ишлаб чиқишни топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил «10» 05 ойида тасдиқланган ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган топшириққа асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга тузилган.

1.4. Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилиги Сурхондарё вилояти бошқармасида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, 15 кун муддатда тугатилади.

1.5. Ишчи лойиҳа экспертизадан ўтказилган кун ишлар тугатилган деб ҳисобланади. Агарда экспертиза ҳулосаси ишчи лойиҳа Буюртмачига топширилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирилса, ишларни тугатиш муддати кечиктирилган кунга узайтирилган ҳисобланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Лойиҳа ишларни амалга оширишнинг умумий баҳоси ҚҚС билан 15 181 000 (ўн беш миллион бир юз саксон бир минг) сўмни ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ҳужжатларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартномани имзолагандан кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30 % миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан ишлар мазкур шартноманинг 4.4. моддасида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг 15 (ўн) банк кунида ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарувчи томонидан тўлиқ бажарилиб, объект бўйича давлат экспертизаси томонидан яқуний экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг қолган маблағ учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи ишчи лойиҳани ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

Объектнинг баҳосини жорий нархларда ҳисоблаб чиқиш учун Пудратчи (курувчи) тўғрисида керакли маълумотларни шартномада кўрсатилган ишларни бажариш муддатининг охириги кунидан камида 20 кун олдин Буюртмачи Бажарувчига тақдим этади. Агарда ушбу маълумот берилиши кечикса шартнома муддати ҳам ўшанча кунга узайтирилган деб ҳисобланади.

3.4. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларига мувофиқ бажарилишида Буюртмачи томонидан бажарилиши зарур ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ва сифатсиз бажарилган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фойдаланиш натижасида кўшимча (кўзда тутилмаган) ишлар ва харажатлар аниқланса, бажарувчи ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир ҳафтадан ошмаган муддатда ўз мажбуриятларини талаб қилинган сифат даражасида қайтадан бажаради ва аниқланган кўшимча харажатларни ўз ҳисобидан коплайди, лекин, аниқланган кўшимча харажатларни коплаш мазкур шартнома қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартнома муддати тугагандан сўнг бажарувчи томонидан расмийлаштирилиб, буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳужжатларнинг рўйхати топшириқда белгиланади.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.4. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2. бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 15 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.5. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.7. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.8. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун муружаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

4. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда лойиханинг маълум қисмини ёки бирор лойихавий ечимни ваколатли органлар билан келиша олмаса, (махаллий ҳокимиятлар, архитектура қурилиш бошқармалари, Давлат ҳаракат хавфсизлиги бошқармалари, муҳандислик коммуникацияларининг эгалари ва х.к.) ишларни бажаришнинг охири муддатидан камида 1 ой олдин Буюртмачини ёзма равишда асосланган ҳужжатлар билан хабардор қилади, Буюртмачи эса шартноманинг бажариш муддатини узайтириб беради.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент шаҳар Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз берилган томон олганидан кейин _____ (_____) ой муддатни ташкил этилади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва Бажарувчи томондан ишлар топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.7. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 (эллик) фоизидан ошмаслиги лозим;

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:


- Шартнома баҳосининг келишув баённомаси (1-илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«Буюртмачи»
“Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси
Манзил: Термиз ш. Олмазор кўчаси, 42-уй
Тел: 221-25-78 Факс: 221-20-71
X/P 3045 2186 0222 0170 4512 9118 011
ИНН: 304985647 ОКОНХ:70220
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Амалиёт бошқармаси
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ
X/p: 2340 2000 3001 0000 1010
Банк коди: 00014 ИНН: 201 122 919
Директор  (ИМЗО) А.Боқиев

«Иш бажарувчи»
YO'L-LOYIHA BYUROS'I" MЧЖ
Сурхондарё вилоят филиали
МАНЗИЛ: Термиз ш. Т. Сайидалиев кўчаси -1
Тел: (0371) 237-38-55, 237-26-01
X/P 2020 8000 8040 1094 1001
ИНН: 300112785
АТИБ “Ипотека банк” Яшнобод филиали
ОКОНХ 66000 МФО: 00959
Бошлик  (ИМЗО) Тоғаев О

Юрист визаси: Мен Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси юристи, ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим.


« 11 » 05 2022 йил  Ф.Тураев


Шартнома баҳосини келишуви


БАЁННОМАСИ


Биз, куйида имзо қўювчилар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК-172-сонли "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Денов тумани "Охтом" МФЙ Гулистон кўчаларини жорий таъмирлаш L-2,216 км, (Бетон қоплама ётқизиш) ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил "10" 05 даги ш-12-сонли шартнома баҳосини ҚҚС билан 15 181 000 (ўн беш миллион бир юз саксон бир минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«Буюртмачи»
«Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» Давлат унитар корхонаси
Манзил: Термиз ш. Олмазор кўчаси, 42-уй
Тел: 221-25-78 Факс: 221-20-71
Х/Р 3045 2186 0222 0170 4512 9118 011
ИНН: 304985647 ОКОНХ:70220
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Амалиёт бошқармаси
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ
Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
Банк коди: 00014 ИНН: 201 122 919
Директор  А.Боқиев (имзо)



«Иш бажарувчи»
YO'L-LOYIHA BYUROS'I" МЧЖ
Сурхондарё вилоят филиали
МАНЗИЛ: Термиз ш. Т. Сайидалиев кўчаси -1
Тел: (0371) 237-38-55, 237-26-01
Х/Р 2020 8000 8040 1094 1001
ИНН: 300112785
АТИБ "Ипотека банк" Яшнобод филиали
ОКОНХ 66000 МФО: 00959
Бошлик  Тоғаев О (имзо)



2022 йил « 10 » 05 даги

№ 44-12-сонли шартномага 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК-172-сонли "Обод кишлок" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан Денов тумани "Охтом" МФЙ Гулистон кўчаларини жорий таъмирлаш L-2,216 км, (Бетон копама ётқизиш) ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Бажариладиган ишлар номи	қиймати	бажариш		Молиялаштириш мuddатлари	
		мuddати	қиймати	2022 йил	2022 йил
Аванс тўлови				4 554 300	
Лойиҳа-смета ишлари	15 181 000	10 кун	15 181 000		10 626 700
Жами:	15 181 000		15 181 000	4 554 300	10 626 700

сум хисобида

Буюртмачи:



Бажарувчи:



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 68707 на приобретение Денов тумани
Охтом МФЙ Гулистон кучаларини жорий таъмирлаш ЛСХни тайёрлаш**

Способ проведения электронный

Дата 07.05.2022

Время рассмотрения 07.05.2022 17:28

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK (Denov) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ZIYOYEV ALISHER AXMADOVICH	Комиссия аъзоси	Сурхондарё минтакавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Булим бошлиқ	Сурхондарё МЙБХ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.05.2022 года № лота 68707.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Денов тумани Охтом МФЙ Гулистон кучаларини жорий таъмирлаш ЛСХни тайёрлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	15 281 000.00
Стартовая сумма	15 281 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувоҳнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгаллиги

Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартомалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, инсофсиз ижрочилар рўйхатида мавжуд эмаслиги, молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўғрисида кафолат хати Лойихалаш корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	20	1	20	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi MCHJ	20	1	20	Экспертная		

Критерий №2 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффицент, ижарада бўлса 0,5 коэффицент билан баҳоланади) Мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	20	1	15	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi MCHJ	20	1	20	Экспертная		

Критерий №3 Лойихалаш корхонасида ишлаётган ишчилар тугрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Соҳа бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар раҳбарлик лавозимидаги, 2 нафар лойиҳачи-муҳандис (ГИП), 3 нафар мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 10 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика ҳисоботида асосан ва шартнома асосида жалб этилган)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	20	1	15	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi MCHJ	20	1	20	Экспертная		

Критерий №4 Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида, қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот, лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг лойиҳаси бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи), лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	20	1	15	Экспертная		
Yol-loyiha byurosi MCHJ	20	1	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
Yol-loyiha byurosi MCHJ	15 281 000.00	15 181 000.00	25.04.2022 18:25:40	17.50
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	15 281 000.00	13 281 000.00	24.04.2022 18:14:37	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Yol-loyiha byurosi MCHJ	80	17.5	97.5
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	64.8	20	84.8

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 68707 от 07.05.2022 года на приобретение Денов тумани Охтом МФЙ Гулистон кучаларини жорий таъмирлаш ЛСХни тайёрлаш определила победителем:

Yol-loyiha byurosi MCHJ
300112785

и резервный исполнитель: TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK (303494182)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	ZIYOYEV ALISHER AXMADOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП